

**ТОВАР БЕЛГИСИГА НИСБАТАН ҲУҚУҚЛАРНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШНИНГ
ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ВА УНИНГ ДОКТРИНАЛ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ****Мамадалиев А.З. -***Одил судлов академияси мустақил изланувчиси,
юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Интеллектуал мулк соҳасидаги суд амалиёти шуни кўрсатадики, бу йўналишда учрайдиган низолар кўп ҳолларда бир вақтнинг ўзида бир нечта ҳуқуқий тоифа, яъни виждонсиз хатти-ҳаракат, инсофсиз рақобат ва ҳуқуқни суиистеъмол қилиш аломатларини ўзида мужассам этган бўлади. Масалан, товар белгисини қонунга зид ўзлаштириш ҳолати айни пайтда ҳам умумий виждонлилик принципнинг бузилиши, ҳам рақобат тўғрисидаги қонунчиликка зид хатти-ҳаракат, ҳам интеллектуал ҳуқуқдан қасддан мақсадга зид фойдаланиш сифатида намоён бўлиши мумкин. Бироқ бундай вазиятларда тўғри ҳуқуқий квалификация қилиш учун қайси институтни асосий ҳуқуқий асос сифатида қўллаш лозимлиги ушбу тушунчаларнинг ҳуқуқий чегараларини аниқ, изчил ва методологик жиҳатдан тўғри белгилаб олишга боғлиқ.

Шунингдек, ҳар қандай виждонсиз хатти-ҳаракатни бевосита инсофсиз рақобат сифатида баҳолаш мумкин бўлмагани каби, ҳар қандай виждонсизликни ҳуқуқни суиистеъмол қилиш деб қабул қилиш ҳам тўғри эмас. Чунки “виждонлилик” фуқаролик ҳуқуқининг универсал, умумий табиатидаги принциби бўлиб, барча турдаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда қўлланиладиган умумий баҳолаш мезонидир. Суд ҳар бир ишда шахснинг хатти-ҳаракати виждонли ёки виждонсиз эканини инобатга олиши мумкин, аммо бу принципнинг амал қилиши автоматик тарзда уни рақобат қонунчилигига оид ҳуқуқбузарлик ёки ҳуқуқни суиистеъмол қилиш деб топишни аниқламайди.

Демак, мазкур категориялар ўзаро яқин ва баъзан бир-бири билан туташ бўлиши мумкин бўлсада, улар мазмунан тенглаштирилмайдиган, ҳуқуқий моҳияти ва ҳуқуқий оқибатлари турлича бўлган мустақил ҳуқуқий институтлардир. Шунинг учун интеллектуал мулкка оид низоларда уларни чалкаштириш ёки умумий бир тоифа сифатида талқин қилиш тўғри юримдик ҳулосага келмаслик хавфини келтириб чиқаради.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, интеллектуал мулк ҳуқуқлари, хусусан товар белгилари билан боғлиқ ҳуқуқларни суиистеъмол қилиш судларда кўп учрайдиган низоли масалалардан бири сифатида намоён бўлади. Шундай қилиб, Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 29 ноябрдаги 4-1001-2302/65782-сонли иш [1] бўйича низоли иши кўриб чиқилади. Суд ишида даъвогар жавобгарга тегишли товар белгисига оид гувоҳноманинг 1957 йилда қабул қилинган БМТнинг “Белгилар рўйхатга олинмаган халқаро товарлар ва хизматлар таснифи”нинг 29-синфи бўйича амал қилишини муддатидан олдин тугатишни сўраган. Даъвогар ўз маҳсулотларига нисбатан шу номдаги товар белгисини рўйхатдан ўтказмоқчи бўлган, аммо жавобгар товар белгиси билан адаштирувчи даражада ўхшашлиги учун талабнома рад этилган. Маълум бўлишича, жавобгар низоли товар белгиси остида 29-синф товарларини (сухарик, печенье, қандолат маҳсулотлари) умуман ишлаб чиқармаган ва фойдаланмаган. Жавобгарнинг асосий фаолияти зираворлар ишлаб чиқаришдан иборат бўлиб, у 29-синфдаги товар белгисидан уч йил давомида умуман фойдаланмаган. Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги 2001 йил 30 августдаги 267-П-сон Қонуннинг 25-моддаси 3-қисмига кўра, товар белгиси охириги уч йилда фойдаланилмаган бўлса, унинг амал қилишини манфаатдор шахс аризасига асосан суд қисман ёки тўлиқ тугатиши мумкинлиги белгиланган. Суд шунга асосан жавобгарнинг товар белгиси гувоҳномасининг 29-синфи бўйича амал қилишини муддатидан олдин тугатган.

Худди шу каби ҳуқуқни пассив суиистеъмол қилишга оид ҳолат 2022 йил 21 январда Тошкент шаҳар суди томонидан кўриб чиқилади [2]. Иш мазмунига кўра, Тошкент шаҳар суди 2022 йил 21 январда кўрган ишда даъвогар Advanced New Technologies Co., Ltd

жавобгар Сингапурда рўйхатдан ўтган Flying Bitmaintech Tech Pte. Ltd томонидан халқаро рўйхатдан ўтказилган №MBX1416089 “ANTMINER” товар белгиси Ўзбекистонда уч йил давомида умуман ишлатилмаганини асос қилиб, уни муддатидан олдин бекор қилишни сўраган; даъвогар томонидан мазкур белгининг амалда қўлланилмаганини тасдиқловчи далиллар сифатида 2018-2021 йилларда лицензия шартномалари мавжуд эмаслиги, “Ўзэкспоцентр”да ҳеч қандай намойиш ўтказилмагани, “antminer.uz” домени жавобгарга тегишли эмаслиги, “Даракчи” нашрида реклама материаллари чоп этилмагани кўрсатилган; суд Қонуннинг 25-моддаси 2-қисмига таяниб, “ANTMINER” белгисининг 9, 36 ва 42-синфлар бўйича амал қилишини муддатидан олдин бекор қилган.

Товар белгисини муддатидан олдин бекор қилишга оид низолар миллий суд амалиётида бир неча маротаба кўриб чиқилган бўлиб, жумладан: Тошкент шаҳар судининг 2021 йил 20 декабрдаги № 4-10-2117/403-сонли ишида “National Holdings” МЧЖ жавобгар “Bekar Metal Insaat Sanayi Ve Ticaret A.S.”га нисбатан “ВЕКАР” товар белгисини муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида даъво киритган ва суд даъвони қаноатлантирган [3]; Тошкент шаҳар судининг 2023 йил 15 майдаги № 4-10-2305/154-сонли ишида Тайван компанияси “Shiny” хусусий корхонасига нисбатан товар белгисини муддатидан олдин бекор қилиш ҳақида даъво билан мурожаат қилган бўлиб, суд товар белгисининг реал фойдаланилиши мезонларини ўрганиб, даъво талабини қаноатлантирган [4]; Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 29 ноябрдаги № 4-1001-2302/65782-сонли ишида ҳам товар белгисини муддатидан олдин бекор қилишга оид даъво кўриб чиқилган ва суд белгиланган ҳуқуқий талаблар ҳамда фойдаланишнинг исботланиши масалаларини ҳуқуқий жиҳатдан баҳолаган [5].

Товар белгиси эгасининг ундан фойдаланмаслиги оқибатида унга бўлган ҳуқуқни бекор қилиш амалиёти хорижий давлатлар қонунчилиги асосида ҳам тартибга солинади. Шундай қилиб, АҚШ, Хитой, Германия, Япония каби давлатлар қонунчилигида, ҳуқуқ эгаси товар белгисидан ишлаб чиқаришда албатта фойдаланиши лозим, акс ҳолда унга бўлган ҳуқуқ манфаатдор шахсининг талаби билан бекор қилинади [6]. Товар белгисидан фойдаланиш у рўйхатга олинган товарларнинг барчасига тегишли бўлиши лозим. Манфаатдор шахсининг товар белгисини бекор қилишга нисбатан талабларини инобатга олиш муддати Хитойда уч йил (Товар белгилари тўғрисидаги қонуннинг 47-модда), Буюк Британияда беш йил (Товар белгилари тўғрисидаги қонуннинг 46-модда), АҚШда беш йил (14 (15 U.S.C. § 1064), Японияда уч йил (Товар белгилари тўғрисидаги қонуннинг 50-модда), Германияда олти йил (Товар белгилари тўғрисидаги қонуннинг 25-моддаси), Россияда уч йил (Фуқаролик кодексининг 1486-модда) ни ташкил қилади.

Париж конвенциясида товар белгисини муддатидан олдин бекор қилиш учун 5 йил, ТРИПС келишувида эса уч йилдан кам бўлмаган фойдаланилмаслик муддати белгиланган бўлиб, ушбу муддатлар декларатив характерга эга. Халқаро ҳужжатлар ҳар бир давлатга товар белгисидан мажбурий фойдаланиш талабларини ва манфаатдор шахс мурожаат муддатини миллий бозор шароитига қараб мустақил белгилаш ҳуқуқини беради. Париж конвенциясига кўра, манфаатдор шахс сифатида ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс чиқиши мумкин, у товар белгиси эгаси белгидан “инсофли муддат”да фойдаланмаганини исботлаши кифоя. Шунингдек, Конвенция манфаатдорликни чекламагани учун исталган шахс рўйхатдан ўтказилганидан 5 йил ўтгач, белгини бекор қилиш талабини киритишга ҳақли [7].

Суд амалиётида кўришиб турибдики, белгидан умуман фойдаланмасдан унга эгалик қилиш, уни фақат рақибларни бозорга киритмаслик мақсадида ушлаб туриш ҳолати кўпинча ҳуқуқни пассив суиистеъмол қилиш деб баҳоланади. Бундай вазиятда товар белгиси ўзининг асосий функциялари истеъмолчини адаштиришдан ҳимоя қилиш, товарларни ажратиш, рақобатни рағбатлантириш вазифаларини бажармайди ва аксинча, бозор рақобатига асоссиз тўсиқ яратади. Шу боис судлар бу каби ҳаракатларни белгининг моҳиятига зид деб топиб, белгиланган асослар асосида унинг амал қилишини муддатидан олдин бекор қилади. Бундай низолар, одатда, ҳуқуқ эгасининг субъектив қасди натижаси сифатида намоён бўлади.

Шундай қилиб, юқоридаги суд низоларини таҳлилларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги 2001 йил 30 августдаги 267-II-сон Қонуннинг 27-моддаси 2-қисмида товар белгисидан фойдаланиш фактини тасдиқлашга оид бир қатор асослар белгиланган. Бироқ ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, мазкур товар белгисидан фойдаланиш асослари товар белгисига бўлган ҳуқуқни суиистеъмол қилиш хавфини келтириб чиқариб, улар куйидагилардан иборат:

Қонуннинг 27-моддаси товар белгисини “фойдаланиш” тушунчасини жуда кенг ва формал белгилаб, белгининг ҳақиқий иқтисодий муомалада қўлланилиши билан унинг фақат рамзий-техник кўрсатилиши ўртасидаги фарқни инобатга олмайди. Натижада ҳуқуқ эгаси белгини бир марта рекламада, бланкада ёки ярмаркада номигагина қўллаш орқали қонун олдида “фойдаланган” деб эътироф этилиши мумкин. Бундай минимал ва симулятив ҳаракатлар белгининг реал бозорда иштирок этмасдан ҳуқуқий муҳофазасини сақлаб қолишга ва уни рақобатчиларни чеклаш мақсадида пассив суиистеъмол қилиш воситасига айлантиришга хизмат қилади;

Иккинчидан, домен номидан фойдаланиш мезонлари қонунчиликда аниқ белгиланмаган. Қонуннинг 27-моддаси доменни “фойдаланиш” сифатида тан олсада, веб-сайтнинг ишлаши, унда товар ва хизматлар таклиф этилиши ёки электрон тижорат муносабатлари мавжуд бўлиши каби шартлар билан чегараланмаган. Шу сабабли фақат доменни рўйхатдан ўтказишнинг ўзи ҳам белгидан фойдаланиш деб баҳоланиб, ҳуқуқий бўшлиқ вужудга келади. Бу эса домен номини реал фаолият мақсадисиз, фақат рақобатчиларнинг онлайн бозорга киришини чеклаш ёки уларга иқтисодий босим ўтказиш мақсадида ушлаб туриш имконини яратади;

Учинчидан, Қонуннинг 27-моддасида товар белгисининг фойдаланиш даврийлиги, ҳажми ва иқтисодий самарадорлиги учун аниқ мезонлар белгиланмагани ҳам суиистеъмол қилиш имкониятини кучайтиради. Амалда уч йилда бир марта қилинган оддий ва рамзий ҳаракат баннер, веб-саҳифадаги қисқа эълон ёки муомалага киритилмаган ўров намунаси ҳам “фойдаланиш” сифатида баҳоланиб, белгининг ҳуқуқий муҳофазасини узок давр сақлаб қолишга имкон беради. Бу эса белгини реал ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишда қўлламасдан туриб, уни пассив “музлатиб қўйиш” ва рақобатчиларнинг бозорга киришини сунъий чеклашга хизмат қилади. Натижада белги товар айирбошлаш муносабатларида иштирок этмасдан, рақобатчилар учун тўсикқа айланади; фойдаланиш ҳажми ва иқтисодий самарадорлик мезонларининг йўқлиги эса товар белгисини стратегик тосқин сифатида сақлаб туришга шароит яратиб, бозор шаффофлиги ва инсофли рақобатга зарар етказди;

Тўртинчидан, моддада товар белгисининг реал даромад келтирувчи иқтисодий фаолиятда қўлланилганини тасдиқлайдиган ҳужжатлар учун аниқ талаблар белгиланмаган. Шу боис ҳуқуқ эгаси товар белгисини амалий ишлаб чиқариш ёки олди-сотди фаолиятида қўлламаган бўлса ҳам, уни формал равишда “фойдаланилган” деб кўрсатиши мумкин. Реал фойдаланишни тасдиқлайдиган техник паспортлар, ишлаб чиқариш актлари, сертификатлар, инвойслар, фискал чеклар, солиқ ҳисоботлари, реклама ва маркетинг материаллари, кўргазмада иштирок далиллари каби ҳужжатлар тақдим этилмаган ҳолда ҳам минимал ҳаракатлар фойдаланиш сифатида баҳоланиб қолиши мумкин. Бу эса ҳуқуқни суиистеъмол қилиш хавфини оширади.

Демак юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, амалдаги товар белгилари қонунчилигини такомиллаштириш зарурати юзага келади. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги 2001 йил 30 августдаги 267-II-сон Қонуннинг 27-моддасини такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқ эгасининг бошқа шахсларнинг товар белгисидан фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқларини чеклаш орқали ҳуқуқни суиистеъмол қилишни олдини олиш мақсадида куйидаги қўшимчаларни киритиш таклиф этилади:

Товар белгисидан фойдаланиш деб белгининг фақат рамзий, техник, формал ёки номигагина қўлланилиши эмас, балки товар ва хизматларни реал иқтисодий муомалада

идентификация қилиш, уларни бозордаги ўхшаш товарлар ва хизматлардан ажратиш, шунингдек истеъмолчининг товар манбаи, келиб чиқиши, сифати ва ишончилиги тўғрисидаги тасаввурини шакллантиришга амалда ва тижорат мақсадларига йўналтирилган фойдаланиш тушунилади.

Куйидаги ҳолатлар товар белгисининг ҳақиқий фойдаланиши деб ҳисобланмайди:

товар белгисини реклама баннерида, буклетда, бланкларда бир марта ёки номигагина жойлаштириш;

товар сотилмасдан, хизмат кўрсатилмасдан ёки тижорат муомаласи амалда юз бермасдан, товар белгисини кўргазма, ярмаркаларда фақат номига ёки рамзий тарзда намоиш этиш;

товар ёки хизматнинг реал бозор таклифи амалга оширилмаган, фаол савдо фаолияти юритилмаган, веб-сайт янгиланмаган ёхуд тижорат айланмаси мавжуд бўлмаган ҳолларда товар белгисини интернетда жойлаштириш.

АДАБИЁТЛАР:

1. Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 29 ноябрдаги 4-1001-2302/65782-сонли иш. <https://publication.sud.uz/#!/sign/economy>
2. Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 21 январдаги 4-10-2124/364-сонли иш. <https://publication.sud.uz/#!/sign/economy>
3. Тошкент шаҳар судининг 2021 йил 20 декабрдаги № 4-10-2117/403-сонли иши. <https://publication.sud.uz/#!/sign/economy>
4. Тошкент шаҳар судининг 2023 йил 15 майдаги № 4-10-2305/154-сонли иши. <https://publication.sud.uz/#!/sign/economy>
5. Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 29 ноябрдаги 4-1001-2302/65782-сонли иши. <https://publication.sud.uz/#!/sign/economy>
6. Graham S. J. H. et al. The USPTO trademark case files dataset: Descriptions, lessons, and insights //Journal of Economics & Management Strategy. – 2013. – Т. 22. – № 4. – P. 705.
7. Brenner R. N. Use It or Lose It-Burdens of Proof in Non-Use Cancellation Actions: A Call for Balance in the Trademark Laws of Thailand, Indonesia, and India //Cardozo Arts & Ent. LJ. – 2009. – Т. 27. – P. 485.

РЕЗЮМЕ:

Мазкур мақолада товар белгиларига нисбатан ҳуқуқларни суиистеъмол қилишнинг ҳуқуқий табиати, унинг намоён бўлиш шакллари ва уларни бартараф этишнинг доктринал-амалий механизмлари комплекс тарзда тадқиқ этилади.

Калит сўзлар: товар белгиси, интеллектуал мулк, ҳуқуқни суиистеъмол қилиш, пасив фойдаланмаслик, домен номи

РЕЗЮМЕ:

В данной статье комплексно исследуются правовая природа злоупотребления правами в отношении товарных знаков, формы его проявления и доктринально-практические механизмы их предотвращения.

Ключевые слова: товарный знак, интеллектуальная собственность, злоупотребление правом, пассивное неиспользование, доменное имя.

RESUME:

This article provides a comprehensive analysis of the legal nature of the abuse of rights in relation to trademarks, the forms in which such abuse manifests itself, and the doctrinal-practical mechanisms for addressing them.

Keywords: trademark, intellectual property, abuse of rights, passive non-use, domain name.